


9-20-2019

CHILDHOOD, WOMANHOOD AND FAMILY PERSPECTIVES ON THE EXAMPLE OF KHALED HOISSEINI'S WORKS

Dilnoza Ruzmatova PhD student
Uzbekistan State World Languages University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>

 Part of the [English Language and Literature Commons](#), [Language Interpretation and Translation Commons](#), [Linguistics Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Reading and Language Commons](#)

Recommended Citation

Ruzmatova, Dilnoza PhD student (2019) "CHILDHOOD, WOMANHOOD AND FAMILY PERSPECTIVES ON THE EXAMPLE OF KHALED HOISSEINI'S WORKS," *Philology Matters*: Vol. 2019 : Iss. 3 , Article 53.

DOI: 10.36078/987654359

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2019/iss3/53>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.



Дилноза Рузматова

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
таянч докторанти

ХОЛИД ХУСАЙНИЙ АСАРЛАРИДА БОЛАЛИК, ОИЛА ВА АЁЛ ПЕРСПЕКТИВАЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада Афғонистонда туғилган америкалик ёзувчи Холид Хусайнийнинг “Шамол ортидан югуриб”, “Минг куёш шуъласи”, “Тоғлар ҳам садо беради” романларида тарихий перспектива таҳлил қилинган. Адабиётшунослик илмида бадиий асарлар маъно ва моҳиятига қўра бир нечта перспективага ажратиб ўрганилади ва адабий-бадиий перспективалар прототип, формалист, психоаналитик, ижтимоий синф, гендер (жинсларга асосланган), феминистик, тарихийлик каби турларга бўлинади. Мазкур тадқиқотнинг аҳамиятли томони унда адабиётшуносликда мавжуд перспективалар умумлаштирилиб, Холид Хусайний ижоди айнан тарихийлик перспективаси ёрдамида танқид ва таҳлил қилинса, ёзувчи асарларининг тематикаси ва услубияти ўз имкониятларини диаспора адабиёти контекстида мукамал ифода эта олишини илмий асослаб беради. Ёзувчи ижодида болалик, аёллик ва оила перспективалари Афғонистонда урушдан олдинги, уруш ва урушдан кейинги даврларда қандай бўлса, шундайлигича объектив равишда умумлаштирилган. “Шамол ортидан югуриб” романида болалик перспективаси асарнинг уч қаҳрамони – Амир, Ҳасан ва Сухроб образларида гавдаланади. Романда Афғонистондаги афғонлар ва диаспорадаги афғонларнинг ўзига хос хусусиятлари қиёсланиб, асосан, эрақлар қисмати тасвирлайди. Аёллик перспективаси етакчилик қилувчи “Минг куёш шуъласи” романида икки кундош Марям ва Лайлони муштарак мақсадлар бирлаштириши ва улар ўртасида она ва қиз муносабатларининг шаклланиши

ISSN: 1994-4233

Dilnoza Ruzmatova

PhD student, Uzbekistan State World Languages
University

CHILDHOOD, WOMANHOOD AND FAMILY PERSPECTIVES ON THE EXAMPLE OF KHALED HOISSEINI'S WORKS

ABSTRACT

The present research focuses on the analysis of the novels “The Kite Runner”, “A Thousand Splendid Suns”, “And the Mountains Echoed” by Afghan-born American writer Khaled Hosseini in line with the major characteristics of childhood, womanhood and family perspectives. Considering those perspectives found in this research, it is obvious that Hosseini globally demonstrates the real outlook of his nation and country, and moreover establishes that having peace and wealth is the life meaning for Afghan people the same as other, human beings. There are different literary perspectives in the studies of literature as archetypal, formalist, psychoanalytical, social-class, gender, feministic and historical. Hosseini's works are interpreted, analyzed and criticized by using the historical perspective, which definitely show their contextual and discursive meaning in terms of diaspora literature. The childhood perspective is depicted in “The Kite Runner” via three personages of the novel Amir, Hassan and Suhrob, moreover the writer describes the fate of Afghan people inside and outside of Afghanistan and can determine the problems of the people in diaspora. In “A Thousand Splendid Suns”, which deals with the problems of Afghan women, the author skillfully demonstrates the terrible conditions of females in pre-in-post Taliban periods on the example of two wives Mariam and Laila belonging to one man. The next work devoted to a family perspective “And the Mountains Echoed” gives the images of more than twenty various families from different parts of the world. Pari and Abdulla are the major characters of the novel

21

феминистик танқидчилик нуктаи назаридан ўз ифодасини топади. Хусайнийнинг навбатдаги “Тоғлар ҳам садо беради” романи дунёнинг турли бурчагидаги йигирмадан ортиқ биридан тубдан фарқ қилувчи оилалар тақдири ҳақида сўзловчи, оила ва оила аъзоларининг қайта учрашуви ҳақидаги асар ҳисобланади. Асарда қолипловчи ва қолипланувчи сюжетлардан фойдаланилган – ака-сингил Пари ва Абдулланинг болалик йилларида ажрашиб кетишлари ва кексайганда яна қайта учрашишлари, аммо энди туйғулар ва хотираларнинг давр синовидан ўта олмаганлиги муаллиф томонидан ўзига хос услубда ёритиб берилади.

Калит сўзлар: Афғонистон, перспектива, болалик, аёллик, оила, уруш, терроризм, диаспора, толибон.

КИРИШ

Холид Хусайнийнинг романларини дунё китобхонлари катта қизиқиш билан қабул қилдилар. Муаллифнинг “Шамол ортидан югуриб” (“The Kite Runner”), “Минг куёш шуъласи” (“A Thousand Splendid Suns”) ва “Тоғлар ҳам садо беради” (“And the Mountains Echoed”) романлари дунёнинг қирқдан ортиқ тилларига таржима қилинганлиги Холид Хусайний ижодига бўлган буюк эътирофни намояна этади. У асарларида инсоний муносабатларни ўзига хос адабий чизгилар ёрдамида тасвирлайди ва ўз адабий аҳолиси орқали бугунги куннинг глобал муаммоларини очиб беради. Хусайний “Шамол ортидан югуриб”, “Минг куёш шуъласи”, “Тоғлар ҳам садо беради” романлари билан том маънода диаспора адабиётининг ривожига салмоқли ҳисса қўшди.

Ёзувчи асарларида уч перспектива: болалик, аёл ва оила етакчилиги қилади. “Перспектива” (лот. *perspicere*) сўзи лотин тилидан француз тилига кириб келган ва у “ич-ичидан кўрмоқ”, “синчиклаб қарамоқ” деган маъноларни англатади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида келтирилишича, перспектива сўзи *келажакдан кутилган ёки келажакда амалга оширилиши кўзда тутилган мақсад, ният, режа* ва шунингдек *кузатиш нуқтасидан узоқлик даражасига кўра ҳақиқатда қандай кўринса шундай тасаввур берадиган тасвири* [O'zbek tilining izohli lug'ati, 2007; 248] маъноларини англатади.

Адабиётшунослик илмида адабий-бадий перспективанинг қуйидаги турлари мавжуд:

1) прототип перспектива, асосан, бадий адабиётда мавжуд анъаналардан фойдаланган ҳолда, такрор қўлланиладиган мавзулар: бой ва камбағал жуфтлик

муҳаббати, жангларидаги мардона кураш; прототип тасвирлар: жаннат ва дўззах, кимсасиз оролар ва прототип образлар: ижобий ва салбий қаҳрамонлар иштирок этувчи романлар моҳиятини ўрганади;

2) формал перспектива адабиётда шакл билан ишловчи перспектива. У асосан шеърӣ асарларда қўлланилади. Шарқ ғазаллари ва Ғарб сонетларига хос шаклий ва ритмик жозибадорлик мазкур перспективанинг асосини ташкил қилади;

3) психоаналитик перспектива асар қаҳрамонларининг ички дунёсини тафтиш қилишга қаратилади. Ушбу йўналиш намояндалари диалоглардан кўра монологлар қаҳрамон индивидуал олами очишда муҳим аҳамият касб этади деб ҳисоблайдилар. Шунингдек, онгсизлик ва онгости оқими психоаналитик перспективанинг энг муҳим даражаси ҳисобланади;

4) ижтимоий-синф перспективаси асарларнинг бадиийлик хусусиятини чекловчи ҳодиса. Ушбу оқим тарафдорларининг фикрича, бир асарнинг ўзи ҳар хил синф вакиллари томонидан жамиятдаги мавқеига кўра турлича қабул қилиниши мумкин;

5) гендер (жинсларга асосланган) перспектива том маънода ижтимоий-синф перспективасига яқин ва у, адабиётнинг эркак ва аёллар ўртасида фарқли жиҳатларга кўра таҳлил ва танқид қилиниши билан шуғулланади;

б) тарихийлик перспективаси асарнинг тарихийлик принципи билан ишловчи метод бўлиб, тасвирланган реал воқеликнинг реал замон ва маконнинг ички уйғунликда акс этишини таҳлил қилади ҳамда асарларнинг хусусиятига кўра, уларни реал ёки бадиий замон ва маконларга ажратиб гуруҳлайди. Холид Ҳусайний ўз асарларида тарихийлик перспективасининг барча турларидан фойдаланиб, Афғонистон ва диаспорадаги афғонлар яшаётган маконларни, толибонлар давридан олдинги, толибонлар даври ва толибонлардан кейинги даврларда бадиий бўёқдорлик воситасида тасвирлайди.

МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР

Холид Ҳусайний замонавий афғон-америка адабиёти, яъни диаспора адабиётининг намояндаси сифатида мазкур йўналиш тараққиётига ўзига хос такрорланмас сюжетга эга асарлари орқали ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Диаспора адабиёти замонавий адабиётшуносликда қизиқиш билдириляётган соҳалардан бири бўлиб, у уруш, нотинчлик, очарчилик каби муаммолар сабабли пайдо бўлган демографик кўчишлар натижасида ўз юртини тарк этган ёзувчилар ижодини ўрганади. Ўз навбатида диаспора адабиётида ижод қилувчи ёзувчиларнинг асарлари, бошқа турдаги асарлардан тил ва мавзу жиҳатидан фарқ қилади. Мазкур тадқиқотнинг мақсади ҳам Америкадаги афғон диаспораси мисолида Ҳусайний асарларидаги етакчи перспективаларни аниқлаш ва бу мақсадга эришиш учун ёзувчи асарларини уч доминант перспектива: болалик, аёл ва оила нуқтаи назаридан таҳлил қилиш кирази.

УСУЛЛАР

Холид Ҳусайнийнинг “Шамол ортидан югуриб”, “Минг қуёш шуъласи”

ва “Тоғлар ҳам садо беради” романлари *контекстуал, қиёсий-тарихий* усуллардан фойдаланилган ҳолда таҳлил қилинди ва шунингдек, мазкур методлар ёзувчи ижодида етакчилик қилувчи болалик, аёллик ва оила перспективаларининг муаллиф асарлари табиатини характерловчи хусусият эканлигини кўрсатишда етакчи ўринни эгаллайди.

НАТИЖАЛАР ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Холид Ҳусайний асарларида Афғонистон мавзуси етакчилик қилади, ёзувчи қаламига мансуб ҳар уч романда адабиётнинг замон ва макон мутаносиблиги категорияси нуқтаи назаридан қаҳрамонлар тақдирини ҳал қилувчи макон ҳамда хаёлий ва реал қарама-қаршиликка қурилган маскан сифатида тасвирланиб, асардан-асарга ўтувчи мотив даражасига кўтарилган. Шу билан бирга “Шамол ортидан югуриб”, “Минг қуёш шуъласи” ва “Тоғлар ҳам садо беради” романлари таҳлили Афғонистон мотивини уч муҳим перспективага ажратиб ўрганиш заруриятини кўрсатди:

- 1) Болалик перспективаси (“Шамол ортидан югуриб”);
- 2) Аёл перспективаси (“Минг қуёш шуъласи”);
- 3) Оила перспективаси (“Тоғлар ҳам садо беради”).

Болалик перспективаси (“Шамол ортидан югуриб”)

Холид Ҳусайнийнинг “*Шамол ортидан югуриб*” романида биографик элементлар қўлланган, ёзувчи асарда болаликни ўзи гувоҳ бўлган воқеаларга асосланиб, ўзига хос услубда ёритади. Муаллиф услубининг ўзига хослиги – болалар ва болалик асарнинг асосий ғояси бўлса-да, аммо болаларга хослик ва беғуборлик ўрнини ҳаёт машаққатлари натижасида увол бўлган болалик дунёси эгаллайди. Афғонистон фарзанди бўлмиш ёзувчи ўз ватанини севиши, унга битмас-туганмас тинчлик тилаши асар адабий аҳолисининг эзгу орзуси сифатида образли ифодаланади.

Асарда болалик уч нафар қаҳрамон ҳаётида ўз чизгиларини топади. Амир, Ҳасан ва Сухроб тақдири Афғонистон болаларининг типик умумлашмаси ҳисобланади. Бобо Амир билан Ҳасанни ҳам бу машъум юртдан олиб кетишга қанча ҳаракат қилмасин, афсуски иложсиз эди. У елкасидаги аслида Ҳасаннинг отаси эканлиги ҳақидаги ҳақиқат юкини кўтариб юришга маҳкум эди. Болалигидан маҳрум фарзандларининг келажаги учун айбдорлик ҳисси Бобони то ўлимига қадар тинч қўймаганлиги, касалига шифокорлар берган дориларни қабул қилмасдан нафақат руҳан, балки ўзини жисман ҳам азоблаши Бобо персонажини англаш учун асосий омил ҳисобланади.

Бобонинг Ҳасанга бўлган илиқ муносабатларида худди отанинг ўз фарзанди олдидаги бурч ва мажбуриятларини ўтаётгандек манзарани кўриб, нахотки ўзига тўқ, жамиятда бообрў одам ўз хизматкорининг боласига шунчалар эътибор қаратса деган фикр асардаги сирлар фош бўлгунча китобхон онгини бир зумга тарк этмайди. Айниқса, Ҳасаннинг лабидаги табиий нуқсонини жарроҳлик опе-

рацияси ёрдамида даволатиш учун ҳинд доктори Кумарни боланинг туғилган кун совғаси сифатида олиб келиши ва операциянинг муваффақиятли ўтиши Бобо шахсиятига бўлган мислсиз эҳтиромни номоён этади. Бунга Ҳасаннинг – софдил ва виждонли инсоннинг Аллоҳга қилган илтижолари сабаб деб кўрсатиш ҳар бир такводор китобхоннинг хаёлидан ўтади. Аммо, Бобо динни тан олмаган ва диний қарашлардан бегона одам сифатида тасвирланади. Амир воқеаларни шундай эслайди: *Операция муваффақиятли ўтди. Қишга бориб унинг ўрни ҳам билинмай кетди. Лабидаги нуқсон сабаб унинг қиёфаси ҳар доим кулиб турарди. Операциядан сўнг бирор мартаба унинг лабида табассум кўрмадим...* [Zhabborov R., Norova M., 2017; 302] Афғонистондаги доимий бекарорлик ва бутун садоқатини бахш этган яқинларининг бевафоларча кетма-кет тарк этишлари Ҳасаннинг бошқа кулмаслигига асосий сабабдир.

Амир ва Бобо Афғонистонни тарк этиб Америка сари чегарадан-чегерага ўтарканлар отаси бир гапни – Ҳасан ҳам улар билан бирга бўлишинин чин дилдан истаётганлигини такрорлайверади. Балки, Бобо Амирга ўзи ҳақиқатни айтишдан кўра бир умр виждон азобида қолишни афзал кўргандир. Лекин, отаси вафотидан кейин Амир учун Ҳасан олдидаги сўнги, аммо, жуда залворли мажбуриятини ўташ учун яна бир имконият берилади, бу Ҳасаннинг ўғли, ўзининг қондош жияни Сухробни бомбаларга нишон бўлган Афғонистондан Америкага олиб келиш ва уни вояга етказиш эди. Асарнинг ижобий интиҳоси сифатида Амир Сухробни толибонлар қўлидан (аслида, кичкина Сухроб Амирга ёрдам беради ва уни ўлимдан сақлаб қолади) қутқаришга муваффақ бўлади.

Амир Сухробни қутқариш учун Ҳасан билан иккаласининг болаликдаги рақиби толибон Асефнинг қалъасига келади, аммо Амир нафақат Сухробни, балки ўзини ҳам қутқаришга кучи етмайди. Сухроб худди бундан 26 йил аввал отаси Ҳасан Амирни рогаткаси ёрдамида қутқарганидек, Асефнинг кўзига рогаткадан стол зўлдирини жойлаб, Амирни қалъадан олиб чиқиб кетади. Болани Америкага олиб келиш билан боғлиқ ҳужжат ишлари мураккаб жараёнларга сабаб бўлса-да, Амир Сухроб билан уйига, севимли рафиқаси Сурайё ёнига етиб келади. Энди улар биргаликда варрак учирешар, худди бир пайтлари Ҳасан билан Амир варрагини узоқларга парвоз қилдиргандек. Аммо, ватандан олисда, гарчи тинчлик бўлса-да, улар ўз туғилиб ўсган юртларини кўмсардилар.

Афғонлар она юрти билан видолашишаркан, эртанги кунга, фарзандлари истиқболга ишонишарди. Мазкур романда ҳам муаммолар кўп, асар қаҳрамонлари бирдан-бир ечим сифатида ватанни тарк этиш деб тушунишади. Аммо, бу билан ёзувчи қўйган муаммоларини шу тариқа ҳал қиляпти дейиш ноўрин. Бадий асарда бирварақайига бир неча муаммо кўтарилади, аммо уларнинг катта қисми ҳал этилмай қолаверади. Бу табиий ҳол. Бадий адабиёт – ҳаётдаги муаммоларни ҳал қилишга эмас, балки уларнинг борлигини кўрсатишга диққат қаратадиган ҳодиса. *“Афғонистонда болалар кўп, аммо болалик йўқ”. Қачондир эшитганим – шу жумла қулогим остида жаранглади* [Zhabborov R., Norova M., 2017; 438]

Аёл перспективаси (“Минг қуёш шуъласи”)

Холид Хусайнийнинг “*Минг қуёш шуъласи*” асари икки аёл, яъни икки кундошнинг нотинч юртда, уларни хўрлаган эрнинг уйида келажакдаги умидли кунларга илинж мавжудлиги боис қурган дўстона муносабатларини тараннум этувчи романдир. Ёзувчи бадий адабиётда ва албатта ҳаётда доимо бир-бирига тескари бўлган кундошлик алоқасини она-қиз ришталарига айлантира олган. Ҳирот чеккасида Марям ва унинг ҳаётдан буткул норози онаси – Нана яшардилар. *Марям энг чиройли гул – табаргул деган маънони англатаркан.* [Zhabborov R., Norova M., 2017; 12] Пайшанба никоҳсиз туғилган, “ҳароми” тамғаси қўйилган қизалоқ учун катта байрам эди. Шу куни уларникига отаси Жалил келар ва у билан суҳбатлашарди. Жалил шаҳарда учта хотини ва фарзандлари билан истиқомат қилар, лекин ҳеч қачон Марямни у ерга олиб бормасди. Марям ўн беш ёшга тўлиш арафасида, отаси туғилган кун совғаси сифатида нимани хоҳлашини сўрайди, Жалилга айтишга ҳадди сиққан Марям ундан ўзи бошқарадиган кинотеатрда “Пиноккио” мультфилмини томоша қилишни сўрайди. Туғилган кунда келмаган падарини излаб, онасининг мени ташлаб кетма деган илтижоларига қулоқ солмасдан, Марям шаҳарга йўл олади. Афсуски, у никоҳга асосланган қондошлари қаторида қабул қилинмайди ва уйига ҳаёт ҳақиқатини англаб қайтиб келганида, онасининг ўз жонига қасд қилганига гувоҳи бўлади. Жалил ноилож бу сафар Марямни уйига олиб келади, хотинлари уни турмушга бериб қутулиш режасини тузадилар. Ўн беш яшар қизга ким бўлишидан қатъи назар узоқроқдан куёв топиш Марямни бу уйда бошқа кўрмаслик учун асос эди. Жалилнинг хотинлари Марямга Рашиднинг таърифини беришни бошлаганларида, Жалил кўзадан кўз узмай қўлида никоҳ узугини айлантариб ўтирарди. *Унинг юзларида ожизлик ва иложсизлик аломатлари зуҳур этарди* [Zhabborov R., Norova M., 2017; 36]. Аёллар шовқин билан Рашидни энг маъқул куёв сифатида тавсифлашардилар: “*Сени эрга бердик. ... Рашид исмли йигитга. Отангнинг яқин ҳамкорларидан бирининг таниши. У Кобулдаги энг таниқли этикдўзлардан, ўзининг дўкони бор. Унга дипломатлар, президентнинг оила аъзолари ҳам буюртма бериб туришади. Хуллас, ўзига тўқ, ишончли одам* [Zhabborov R., Norova M., 2017; 34].

Лайло оиласига бахт улашиб дунёга келган пайтида, Рашидга ёқмаган овқати учун бечора Марям эри оғзини тўлдирган тошларни чайнаб, иккита курс тишидан ажралганди. Лайло ва Марямнинг тақдир чизгилари тасвирланганда, ҳар иккисидаги ҳаракат тезлиги қарама-қарши нисбатда ривожланишини, Лайло ҳаракатларида асосан юқорига кўтарилиш, Марямда эса пастга тушишнинг гувоҳи бўламиз. Аммо Лайло ҳамда Марям учун энг қуйи нуқта, бу уларнинг Рашид билан оила қуришганида эди. Лайлонинг тақдири Марямникидан турли-туманлиги ва муносабатларнинг кўплиги билан фарқ қилса, Марям ҳаётида фақат икки тушунча бор эди: ҳароми ва кимнингдир хотини бўлиш. Ёзувчининг маҳорати икки бахтсиз аёлни бир-бирига руҳан яқинлаштириш ҳамда уларда ғамхўрлик ва ҳимоя қила олиш фазилатларини шакллантиришда намоён бўлади. Марям Лайлони дастлаб кундош сифатида ёмон кўрган бўлса-да, кейинчалик

ана ўша қизалоқ туфайли оналикнинг, Лайлонинг қизи худди ўзидек “ҳароми” Азиза (ҳақиқат кейин аён бўлади, Азиза Тариқ ва Лайлонинг никоҳсиз туғилган қизи) сабаб бувилиқнинг бетакрор ришталар эканлигини хис қилади. Лайло ҳам барча яқинларидан ажрагандан кейин, ҳаётида Марям борлигидан миннатдор эди.

Холид Хусайний “Шамол ортидан югуриб” романини *ота-ўғил ҳикояси*, “Минг куёш шуъласи” асарини эса *она-қиз ҳикояси* [An Interview with Khaled Hosseini, 2007] деб эътироф этганлигига асосланиб, иккинчи роман биринчи романнинг услубий давомидир деган хулосага келиш мумкин. Она-қиз ҳикоясида биринчи асардан фарқли ўлароқ, ҳақиқий, чин ришталар эмас, икки бегонанинг яқинлашуви, бошқа сўз билан айтганда тутинган она-қиз ришталари тасвирланади. “Минг куёш шуъласи” романи адабий танқидчилар томонидан ижобий қабул қилиниб, *Time* журналида Лев Гроссман (Lev Grossman) 2007 йили нашр қилинган энг яхши китоблар ўнталигидан унга учинчи ўринни ажратади [Grossman L., 2007; 44-45].

Виктор Гюго “Адабиётшунослар тез кунларда ёзувчиларни гайритабиий, гайрисанъат қоида ва жанрлар нуқтаи назаридан текиширмаслик кераклигини англайди. Улар ижодкорни санъат табиатиغا мувофиқ қонунлар ҳамда ҳар бир ижодкор шахси билан боғлиқ қонунлар асосида текишириш лозимлигини ҳис этадилар” [Каримов Б., 2016; 167], – деб таъкидлайди. Демакки, ҳар бир ёзувчи ижодини биографик метод тамойиллари нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, ёзувчини ижодкор сифатида англашга ёрдам беради. Шу жумладан, Холид Хусайний ижоди асарларидаги диаспора хусусиятларидан келиб чиқиб, тил ва маданият тўқнашуви, биографик метод тамойиллари, замон ва макон мутаносиблигини инобатга олиб ўрганилса, Афғонистонда туғилган америкалик ёзувчи асарларининг ўзига хос услубий жиҳатлари намоён бўлади.

Муаллиф ёзган адабий матнни ўзлаштириб олиши гўё матнни топташ, унга охири маънони бериши ва ёзувчини чеклаб қўйиши саналади. Танқидчи асар муаллифи ва унинг фикрини қамраб олишга, муаллифнинг ягона гоясини топшига уринади. Агар асардан муаллиф топилса, демак матн “тушунтирилган”, танқидчи голиб келган бўлади. ... Энди эса муаллиф маҳф этилган жойда танқидчи ҳам маҳф бўлди, ўлди [Bakhodir K., 2016; 197].

Толибонларнинг босқини саҳналари тарихийлик нуқтаи назаридан реал маконда реал деталларнинг берилиши боис эътиборли ва ёзувчи ўша манзарани китобхон кўз ўнгида гавдалантира олади. 1992-1996 йиллар Афғонистон тарихида фуқаролик уруши йиллари бўлиб, 1996 йил 27 сентябрда бутун аҳоли толибонларнинг кириб келишини байрамдек тантанали нишонлаган эди. “1996 йил, сентябрь. Орадан икки иярим йил ўтди. 27 сентябрь кун Марям кўчадаги шовқин-сурондан уйғониб кетди. Кўчада оломон қайнаб тошар, мушаклар чақнар, баланд мусиқа садолари янграрди. Марям шартта мехмонхонага югурди. Лайло ҳам дераза олдида турар, Азиза унинг елкасига осилиб олганди. Лайло Марямни кўриб, ортига ўгирилди. – Толиблар шаҳарга кириб келишди!” [Zhabborov R., Norova M., 2017; 169].

Толибонлар ҳар бир эгалланган ҳудудда ўз қонунларини ўрнатар, уларга қарши чиққанларни аёвсиз жазолашарди. Улар ўз қонунларини машиналардан микрофон орқали эълон қилишар ҳамда варақаларда тарқатишарди. Толибонлар мамлакатларини Афғонистон Исломи амирлиги деб номлашди.

| Толибонлар қонунлари | | | |
|-----------------------------|---|--|--|
| № | Барча фуқароларга | Эркакларга | Аёлларга |
| 1. | Кунда беш маҳал намоз ўқишлари шарт. Намоз пайти бошқа иш устида ушланганлар жисмоний жазога тортилади. | Камида бир муштга сикқулик узунликда сокол қўйишлари шарт. Бош тортганлар жисмоний жазога тортилади. | Уйларини ташлаб кетмасликлари керак. Аёлларнинг кўчага беҳуда чиқиши тақиқланади. Фақат яқин қариндошлари ҳамроҳлигида чиқишлари мумкин. |
| 2. | Қўшиқ айтиш тақиқланади | | Ҳар қандай вазиятда ҳам юзини бегона одамга кўрсатмаслиги лозим. Чодрасиз кўчага чиқиш тақиқланади. |
| 3. | Рақс тушиш тақиқланади | | Пардоз-андоз қилиш мумкин эмас. |
| 4. | Қарта, шахмат, турли қимор ўйинлари ўйнаш, варрак учириш тақиқланади. | | Тақинчоклар тақиш мумкин эмас. |
| 5. | Китоб ёзиш, нашр қилиш, филм томоша қилиш, расм чизиш тақиқланади | | Фақат уларга гапиришсагина гапириш мумкин. |
| 6. | Тўтиқуш боқиш тақиқланади. Барча тўтиқушлар тутиб йўқ қилинсин. | | Одамлар ичида кулиш тақиқланади. |
| 7. | Ўғирлик устида қўлга тушганларнинг бармоқлари қирқиб ташланади. | | Қизлар мактабга бориши мумкин эмас. Қизлар мактаблари ҳаммаси ёпилсин. |
| 8. | | | Аёлларга ишлаш тақиқланади. Турмушга хиёнат қилганлар тошбўрон қилиб ўлдирилади. |

Оила перспективаси (“Тоғлар ҳам садо беради”)

“Тоғлар ҳам садо беради” Холид Ҳусайнийнинг учинчи романи 2013 йили нашр этилган. Роман бир нечта умумлаштирувчи ҳикоялардан ташкил топган. Унда ёзувчи қолипловчи ва қолипланувчи сюжетлардан фойдаланган. Бадийлик нуқтаи назаридан мазкур асар ёзувчи маҳорати юксак даражага кўтарилганидан далолат беради ва шу боис романга “бадий асар” мақомини бериш мумкин. “Тоғлар ҳам садо беради” романи тўққиз бобдан иборат, ҳар бир бобнинг ўз қахрамонлари, ўзига хос сюжети бор. Бадий ҳикоялардан ташкил

топган асарнинг қолипловчи сюжети ака-сингил Пари ва Абдуллага бағишланган қолипланувчи сюжетлар эса Наби, Идрис, Рушана, Гулом ва бошқалар ҳақидаги воқеаларни ўз ичига олади.

Роман адабий танқидчилар томонидан ижобий қабул қилинган. Унинг олдинги икки романи – “Шамол ортидан югуриб”, “Минг қуёш шуъласи”дан бадиий жиҳатдан устунлиги билан фарқланиши таъкидланади. Айниқса, қаҳрамонларнинг мукамал тарзда шакллантириб тақдим этилиши асарнинг энг катта муваффақиятидир. Ҳар бир персонаж характери асар давомида сайқалланиб боради. “The Guardian” вакили Александер Линклейтернинг эътирофича, *“Кобулда Сабур ўз қизи Парини бадавлат кишининг рафиқасига бериши ҳақидаги бадиий гоя шаклланишидан бошлаб, Хусайний асар қаҳрамонлари ака-сингил Абдулла ва Парини қайта учраштириши дақиқаси учун бир-бирига ўхшамаган турли воқеалар ва персонажларни романга киритади”* [Zhabborov R., Norova M., 2017; 334].

Ёзувчи романни тизимли равишда шакллантиради – Афғонистонда ажралган ака-сингиллар, тақдирнинг амри билан дунёнинг икки бурчаги Калифорния ва Францияда истиқомат қилишади, асар сўнгида грециялик жарроҳ жаноб Маркос ёрдамида унутганлари – ўтмишдаги ришталарни тиклайдилар. Демак, романнинг ҳар хил персонажлар билан боғлиқ бир нечта ҳикоялардан ташкил топганлигининг сабаби айнан муаллифнинг ака-сингилларни қайта учраштириш нияти билан боғлиқ. “Atlanta Arts”дан Сониах Камалнинг таъкидлашича, романдаги *босниялик кўнгилли ҳамшира Амра афғон қизча Рушана учун у гувоҳи бўлган шafқатсизликларга қарамасдан, инсонийлик сабаб унга чин маънода умид бера олди* [Zhabborov R., Norova M., 2017; 234].

Амра оиласининг тинчлигини кўриб, албатта ёрдам бераман деб кетган диаспорадаги афғонлардан фарқли равишда, доимо унинг ҳаётга қайтиши, пластик жарроҳлиги учун маблағ топишга бор кучини сарфлади. Амрага антитеза сифатида муаллиф Идрис образини асарга киритади ва бу орқали хорижлик афғонларнинг ҳақиқий таназули, яъни афғон афғоннинг фожиасига бепарволигини моҳирона тасвирлайди. Хусайний дастлаб Идрисни романга Набининг жаноб Маркосга ёзган эсдаликларида фақат исмини келтириш йўли билан киритган: *“1980 йиллари бутун мамлакатни қамраб олган уруш даҳшати Кобул ҳудудига у қадар кириб келмаган эди. Аҳоли оммавий равишда шаҳарни тарк этаётганди. Кўчамиздаги оилалар тугунларини тугиб, Фарбнинг бирон бир ерида ўрнашиш мақсадида Покистон ё Эрон томон йўл олган эди. Ташқи ишлар вазирлигида ишлаган қўшнимиз жаноб Башарийнинг ўғли Идрис билан келиб хайрлашиб кетган кунини жуда яхши эслайман”* [Zhabborov R., Norova M., 2017; 529]. Ёзувчи китобхонни образни тушунушга тайёрлаб, огоҳлантириб, кейин уни асарга киритади ва шу жиҳатдан қараганда Хусайний бадиий маҳорати ҳамда унинг бадиий нияти чиройли қоришиқни ташкил қилади. Идрис ўзи шифокор бўлганлиги учун, Америкага қайтганида Рушига ёрдам бераман деб ўйлар ва ҳар куни қизча билан учрашиши учун келар, у билан бирга ўзи олиб келган телевизорда кино кўрар эди. Китобнинг айнан шу ўринларида Идрис китобхон-

нинг кўз ўнгида чин маънодаги инсонпарвар сифатида шаклланади. Аммо уйига қайтгач, уй кинотеатрини ўрнаттириш каби аҳамиятсиз моддиятларга ўз менини алмаштиради. *“Уй кинотеатрига кетадиган пулга Афғонистонда бир мактаб қура олардик, – деди Идрис”* [Zhabborov R., Norova M., 2017; 550].

Пари кейин англагани ўғай онаси Пари Ваҳдати билан Афғонистонни тарк этиб, Францияда яшашади. Она-қиз муносабатида Ҳусайний диаспорадаги афғонларнинг ўзлигини, анъаналарини, маданиятини ва тилини унутишлари ҳамда яшаб турган ҳудуд маданиятининг кучли таъсирини бадий ифодалаб берган. Пари болалик даврларини, эндигина ўн ёшдалигидаги воқеаларни эслайди. *“Бир куни мактабдан қайтгач, оиҳонадаги стол устида йигирма беш франк пул билан бир парча қоғозга кўзи тушди. Унда шу сўзлар ёзилган эди: “Мен Марк билан Элзасга кетдим. Маркни эласанг керак. Бир-икки кунда қайтаман. Яхши қиз бўлиб ўтир. Je t’aime. Онанг.” Парининг кўзлари ёшга тўлди, “икки кун унчалик кўп кун эмас, узоқ эмас”, дея ўзини тинчлантириб, оиҳона ўртасида титраб-қақшаб туриб қолди”* [Zhabborov R., Norova M., 2017; 560].

Ёзувчининг бадий ҳақиқати шуни кўрсатадики, диаспорадаги ҳаёт инсонни ўзи истамаса-да, унга мерос бўлган маданиятдан узоқлаштиради ва ундан-да ачинарлиси – ўзлигини унутишга олиб келади. *“Қай бир кечада бир оз ширакайф бўлиб келган Шателард исмли бир профессор Паридан советлар Афғонистондан чиқиб кетсалар, нима бўлади деб ўйлайсиз, дея сўради. ... –Билмадим, – деди Пари. – Очигини айтганда, мен фақат номигагина афғонман, холос”* [Zhabborov R., Norova M., 2017; 587].

Романда гарчи нотинч ва ноиложликда яшовчи афғонлар учун фарзанд энг улуғ неъмат, серфарзандлик юксак бахт сифатида таъкидланса, Европада ижтимоий мавке, касбий кўтарилиш муҳимроқ эканлиги ошкор этилади. *“Қолет билан Дидиернинг фарзанди йўқ эди, бунга жиддий биологик сабаб эмас, шунчаки жуфтлик бунга истамаган эди”* [Zhabborov R., Norova M., 2017; 589].

Романда йигирмадан ортиқ оилалар тақдири ҳикоялар кесимида очиб берилди. Роман воқеаларининг асосий мақсади ота-ўғил, она-қиз, ака-сингил, опа-сингил ва ака-укалар мисолида оила қадриятларини Европа ва Осиё мисолида тасвирлашдан иборат. Холид Ҳусайний мазкур вазифани диаспора адабиёти хусусиятлари асосида очиб беради.

Асардаги тўққиз бобининг ҳар бири алоҳида сюжет ва қаҳрамонларига эга ҳикоялар бўлиб, Ҳусайний шахс – оила – жамият анъаналари асосида персонажларини романга киритади. Ёзувчининг бадий ҳақиқати ҳаёт ҳақиқати билан параллел бўлиб, инсон ўз оила аъзоларини танлаш ҳуқуқига эга эмас. Муаллиф яратган оила концептига кўра, фақатгина қондошлик ришталарига асосланган муносабатлар эмас, балки бир уйда яшаш, бир-бирига ғамхўрлик қилиш ҳам оиланинг айна хусусиятларидан биридир.

Ҳар бир бобнинг ўз мавзуси, қаҳрамонлари ва сюжети мавжудлиги сабаб романни боблар кесимида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг яна бир сабаби – замон ва маконларнинг муаллиф томонидан ҳар хил ўлчамда берилганлигидир.

| Боб | Замон | Макон | Қахрамон | Сюжет |
|------|-----------------------------|--|---|--|
| I | Қадим ўтган замонда (эртақ) | Майдан Сабз қишлоғи | Аюб бобо ва унинг оиласи Қайс – уч ўғил ва икки қизнинг кенжаси Дев | Аюб бобонинг ўғли Қайсни девга бериши ва девнинг маконига ўғлини олиб келишга борганида, ўз ихтиёри билан ташлаб келиши. Майдан Сабз аҳолиси тўқин сочинликда яшаши ва Қайснинг унутилиши |
| II | 1952 йил, куз | Афғонистон (Шодбоғ, Кобул) | Сабур, Абдулла, Пари Нила ва Сулаймон Ваҳдатилар Наби | Парининг Ваҳдатийлар хонадонига ташлаб келиниши ва Парининг унутилиши |
| III | 1949 йил, баҳор | Афғонистон (Шодбоғ, Кобул) | Парвона, Маъсума, Наби, Сабур | Мажруҳ Маъсуманинг ўз хоҳиши билан Парвона томонидан кимсасиз чўлда қолдирилиши ва Маъсуманинг унутилиши |
| IV | 1949 – 2002 йиллар | Афғонистон (Шодбоғ, Кобул) Франция (Париж) | Сабур, Абдулла, Пари, Парвона Нила ва Сулаймон Ваҳдатилар Наби Жаноб Маркос | Ушбу боб эпистоляр жанрда ёзилган, унда Наби жаноб Маркосга ўз хатида 50 йил давомида содир бўлган воқеаларни ёзади. Бу хатни ёзишдан мақсади ўғай жиёни Парини топиб унга бор ҳақиқатни етказиш эди. |
| V | 2003 – 2009 йиллар | Афғонистон (Кобул) Америка (Колифорния) | Амра Адемовик, Рушана (Руши) Идрис, Темур | Рушига ўз амакиси томонидан болта урилиши, ҳамшира Амранинг унинг ҳаёти учун курашиши, Идриснинг ёрдам бериш ҳақидаги ваъдасини бажармаслиги, Темурнинг молиявий ёрдами, Рушининг китоб такдимоти, Идриснинг бўлган воқеаларни унутолмаслиги |
| VI | 1974 – 2010 йиллар | Франция (Париж) | Нила, Пари, Жулиен Эрик, Изабелла, Ален, Терри | Нила ва Парининг Париждаги ҳаёти, Парининг оила қуриши ва фарзандлари, Жаноб Маркоснинг интернет орқали Парини топиши ва унга ҳақиқатни айтиши. |
| VII | 2009 йил, куз | Афғонистон (Кобул), Покистон (Жалозай –кочоқлар лагери) | Бобожон, Адел, Ария, Кабир Ғулом, Иқбол | Бобожоннинг нарқобизнес билан шуғулланиши, Абдулланинг ўғай укаси Иқбол ва ўғлининг Бобожондан ўз уйлари худудини талаб этишлари. |
| VIII | 1967 – 2010 йиллар | Греция (Тинос ороли), Ҳиндистон, Афғонистон | Маркос, Оделия Талия, Мадалина | Талия фожиаси – бошининг ярмини ит еб қўйиши, Маркос ва Талиянинг дўстлашиши, Маркоснинг дунё бўйлаб саёҳати, пластик жарроҳ бўлиб етишиши ва Афғонистондан Грецияга қайтиши. |

| | | | | |
|----|------------------|-------------------------|--|---|
| IX | 2010 йил, қиш | Америка (Калифорния) | Абдулла, Султона, Пари II Пари I | Пари ва Абдулланинг Калифорнияда учрашиши. Бутун умри давоми- да излаб, унутолмагани синглиси Парини учратганда касаллик сабаб Абдулланинг хотирасини йўқотиши ва ниманидир эслолмай қийналган Пари хотираларини тикланиши. |
|----|------------------|-------------------------|--|---|

ХУЛОСА

Холид Хусайний ижодидаги ҳар уч асариди: болалик, аёллик ва оила перспективалари афгонлар ва Афғонистон мисолида ёритиб берилган.

“Шамол ортидан югуриб” романида Афғонистонда толибонлар ҳукмронлиги ва уруш даврида болалик перспективаси ажал билан олишиб яшаётган болакайлар тимсолида тасвирланган. Холид Хусайний афгон болалари ҳам дунёнинг бошқа болалари каби тинч яшашга ҳақли эканлигини бадиий усулда исботлай олди ва башариятга ҳам бу ҳақиқатни англаши кераклигини яна бир марта эслатди. Диаспора адабиётининг муҳим хусусиятларидан бўлган макон ва замон мутаносиблиги “Минг кўш шуъласи” романида юқори даражада ўз аксини намоён этади. Асар тўлалигича Афғонистон ҳақидаги ҳикоядир. Келтирилган тарихий фактлар ва жой номларининг реал тасвири китобнинг ишонарлигини янада оширади. Аёл персонажлар орқали афгон аёллари тақдири бадиий тасвирланган. “Тоғлар ҳам садо беради” романи оила перспективаси нуқтаи назаридан Афғонистон, Покистон, Франция, Греция ва Америкада яшайдиган турли оилалар мисолида кўрсатилади. Ёзувчи асарларида оила муқаддас, ўзлигини англаш юксак шараф ва яқинлари билан бирга бўлиш тенгсиз бахт ҳисобланади. Оила ҳам инсонга тобеъ бўлмаган жараёнда шаклланади ва инсон ўз оила аъзоларини доимо ўзи танлай олмайди деган ҳақиқат ётади.

Афғонистон фарзанди сифатида Хусайний доимо ўз она юртини ва ундаги муаммоларни перспектив тасвирлайди ҳамда ўз адабий аҳолисига урушнинг салбий оқибатларини Афғонистон мисолида очиб беради.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. An Interview with Khaled Hosseini. Book Browse. 2007.
2. Grossman, Lev. "The 10 Best Fiction Books"; Time magazine; December 24, 2007; Pages 44 - 45.
3. Kamal, Soniah (June 5, 2013). "Review: Khaled Hosseini finds light amid darkness in masterful "And the Mountains Echoed"". Atlanta Arts. Retrieved August 25, 2013.
4. Linklater, Alexander (May 25, 2013). "And the Mountains Echoed by Khaled Hosseini – review". The Guardian. Retrieved August 24, 2013.
5. Bakhodir, Karim. Rukhiyat alifbosi (The spirituality of alphabet). Toshkent, G'afur G'ulom Publ., 2016. 354 p.
6. Ming quyosh shu'las (A Thousand Splendid Suns). Novel, Kaled Hosseini/ Translators Rustam Zhabborov, Munira Norova. Tashkent, Yangi Asr Avlodi Publ., 2017. 688 p.
7. O'zbek tilining izohli lug'ati (Definitional Dictionary of the Uzbek Language). Third Volume, Tashkent, O'zbekiston Milliy Ensiklopediyasi, 2007. 687 p.